

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

4-СОН

АПРЕЛЬ, 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

Journal of Fundamental Studies

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ



**IMFAKTOR
PAGES**



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 4-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-4

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-4

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 4 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-4>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-ўй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Иқтисодиёт фанлари

АЛИМАРДАНОВ Илҳом Музробшохович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Молия кафедраси профессори

Иқтисодиёт фанлари доктори

НОРМУРОДОВ Жаҳонгир Тожимурод ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7866958>

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида пул оқимларини прогноз қилиш йўллари, молиявий пул оқимларинининг моҳияти, ривожланиш тарихи ҳамда республикамізда акциядорлик жамиятларида пул оқимларини прогноз қилиш йўллари ривожлантириш, шунингдек, унинг афзалликлари таҳлили ва ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Шунингдек мақолада пул оқимларини прогноз қилиш йўлларидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф тавсиявий ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: молия, менежмент, акциядорлик жамиятлари, компания, ташки бозорлар, молиявий контроллинг, пул оқимлари, асосий капитал.

СПОСОБЫ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ДЕНЕЖНЫХ ПОТОКОВ В АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье пойдет речь о способах прогнозирования денежных потоков в акционерных обществах нашей страны, сущности финансовых денежных потоков, истории развития и зарождения способов прогнозирования денежных потоков в акционерных обществах нашей республики, а также об анализе его преимуществ и совершенствовании перспективы развития. В статье также представлены существующие проблемы в способах прогнозирования денежных потоков, а также авторские рекомендательные подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: финансы, менеджмент, акционерные общества, компания, внешние рынки, финансовый контроль, денежные потоки, основной капитал.

METHODS OF FORECASTING CASH FLOWS IN JOINT-STOCK COMPANIES

ANNOTATION

This article will discuss the methods of forecasting cash flows in joint-stock companies of our country, the essence of financial cash flows, the history of the development and origin of methods of forecasting cash flows in joint-stock companies of our republic, as well as the analysis of its advantages and improvement of development prospects. The article also presents the existing problems in the methods of forecasting cash flows, as well as the author's recommendation approaches and suggestions for their elimination.

Keywords: finance, management, joint stock companies, company, foreign markets, financial control, cash flows, fixed capital.

Кирриш. Жаҳондаги йирик компанияларнинг тўлов қобилиятини аниқлаш, молиявий стратегиясини режалаштириш, соф пул оқимларини самарадолигини баҳолаш, ликвидлик ҳолатини аниқлашда эркин пул оқими усулидан фойдаланиш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Компанияларнинг асосий капитал, айланма капитал ва амортизация харажатлари ўзгаришларини инобатга олган ҳолда пул оқимларини прогноз қилишда эркин пул оқими ҳамда дисконтланган пул оқими усулларида фойдаланиш, компанияларнинг келгусидаги пул оқимининг жорий қийматини баҳолаш, фоизлар ва солиқларни тўлашдан олдинги даромадни аниқлаш, солиқлар тўланган кейинги соф операцион фойдани ҳисоблаш ва компанияга йўналтирилган реинвестицияни аниқлаш, компанияларнинг пул оқимларини прогноз қилишда ички ва ташқи омилларнинг таъсирини баҳолаш бу борадаги илмий-тадқиқотларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини прогноз қилиш усулини такомиллаштиришда давлат тасарруфидаги йирик корхоналар акцияларини фонд биржасида бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштириш орқали хусусийлаштириш жараёнига асосий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “давлат улуши мавжуд корхоналарда хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини жалб қилиш” [1] вазифаси белгилаб берилди.

Мазкур вазифаларнинг изчил ва самарали бажарилиши мамлакатда давлат тасарруфидаги йирик корхоналарга хорижий инвесторларни жалб қилиш салмоғини сезиларли даражада ошириш, акциядорлик жамиятларида пул ресурслари шаффофлигини таъминлаш, пул оқимлари самандорлигини аниқлаш, эркин пул оқимлари ва дисконтланган пул оқимларини замонавий усулларида фойдаланиш учун ҳар томонлама имкон яратади.

Акциядорлик жамиятининг пул оқими тушунчасини илмий-назарий ёндашувлари, акциядорлик жамиятини эркин пул оқимининг ўзига ҳос жиҳатлари, акциядорлик жамиятининг дисконтлаган пул оқимининг илмий-назарий аҳамиятини илмий-услубий жиҳатлари ёритиб берилган.

Хорижлик иқтисодчи олим Бригхемнинг назарида, акциядорлик жамиятларини пул оқимлари маълум вақт мобайнида шаклланган соф пул оқими ҳисобланади. Ушбу шакллантирилган пул оқимини капитал оқими билан боғлиқ ҳолда баҳолаш лозимлигини таъкидлайди [2].

Шунингдек, иқтисодчи олимлардан бири ҳисобланган Бланк фикрича, акциядорлик жамиятининг пул оқими инвесторларга қайтадиган нақд пул шаклидаги жамиятнинг инвестицияларининг таъсирини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланди. Акциядорлик жамиятининг инвестициялар бўйича пул оқимининг таркиби соф фойда, моддий ва номоддий активларнинг эскириш суммасидан ташкил топади [3].

Ўз навбатида, Брейли ва Майерс ўз тадқиқотида пул оқимларига қуйдагича таъриф бердилар: “Акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятидан келадиган пул оқими маҳсулот сотишдан тушган тушумлардан маҳсулот таннархи, бошқа харажатлар ва солиқларни айириш йўли билан аниқланади [4].”

Бизнинг фикримизча, акциядорлик жамиятининг пул оқими инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва жамиятни активларини ишлаши натижасида ҳосил бўлган пул маблағларни вақт бўйича тақсимланган тушумлар ва тўловлари ҳисобланади. Шунингдек, акциядорлик жамиятларининг пул оқимлари асосан учта фаолиятдан шаклланди. Хусусан, молиявий фаолиятдан олинган пул оқими, инвестицион фаолиятдан олинган пул оқими ва асосий фаолиятдан олинган пул оқимларидан иборатдир.

Хорижлик иқтисодчи олимлардан бирини Хакел ва бошқаларни илмий изланишида эркин пул оқимининг иккита таърифидан фойдаланган ва акциядорлик жамиятларини эркин пул оқимларини баҳолашдаги камчиликларни муҳокама қилган. Уларнинг фикрига кўра, "эркин пул оқими - бу капитал харажатлардан ортиқ бўлган соф операцион пул оқими, иккинчиси таъриф эса, биринчисига эквивалент бўлиб, лекин ихтиёрий пул оқимлар соф операцион пул оқимига кўшилади..." деб таъкидлаган. Шунингдек, Филипснинг тадқиқотида кўра, акциядорлик жамиятларининг эркин пул оқимлари жамиятнинг операцион пул оқимидан соф айланма капитал ва асосий воситаларининг ўсишини айирмасига тенг ҳисобланади, деб таъкидлаган. Унинг назарида, эркин пул оқимларини аниқлашда жамиятларининг соф айланма капитали ва асосий воситаларнинг ўзгаришини инобатга олиш лозим. Сабаби, эркин пул оқимларини ҳисоблашда асосий таъсир қилувчи омиллар айланма капитал билан асосий воситалар ҳисобланади.

Тадқиқотда илмий абстракциялаш, груҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида ислом молияси инструментларидан фойдаланиш йўллари назарий ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди. Шунингдек, қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган мамлакатларда акциядорлик жамиятларида пул оқимларини прогноз қилиш йўлларида фойдаланиш усулларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.

Акциядорлик жамиятининг пул оқимларини бевосита таҳлил қилиш усули пул оқимлар кирими ва чиқимини аниқлашга, шунингдек жорий мажбуриятларни тўлашга етарли маблағ мавдужлиги ва инвестиция қилиш учун қўшимча маблағ мавжудлигини баҳолаш имконини беради. Инвестиция фойляти салбий пул оқим билан характерланади, сабаби узоқ муддатли активларга йирик инвестицияларни жалб қилишни ва акциядорлик жамиятини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни кўрасатади. Жумладан, акциядорлик жамиятларининг соф пул оқимларини бевосита усул орқали баҳолаш учун жамиятнинг пул оқимлари самарадолигини ҳисоблаш лозим.

Акциядорлик жамиятларининг пул оқимлари асосан пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган кўрсаткичларни инобатдан олган ҳолда амалга оширилади. Хусусан, акциядорлик жамиятлари операцион фаолият, инвестиция фаолияти ва молиявий фаолиятдан олинган пул маблағларини ҳисобга олган ҳолда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботлар шакллантирилади. Шунингдек, мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг пул оқимини прогноз қилишда пул оқимларининг соф ҳаракати ва нархларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таъсири таҳлил қилинади. Бундан ташқари, акциядорлик жамиятининг молиявий ресурсларини самарали бошқаришда пул оқимларини режалаштириш ва прогноз қилиш лозим.

Даромад ва баланс маълумотини олиш бизнеснинг узоқ муддатли ўсишини башорат қилишга ёрдам беради. Билвосита ва бевосита пул оқимлари усулини таққослаш юқоридаги 1-жадвалда келтирилган. Бевосита ва билвосита пул оқимлари усули пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг тайёрлаш усуллари ҳисобланади. Акциядорлик жамиятлари ҳисобот бериш учун ҳар қандай усулни танлаш имкониятига эга. Хусусан, бутунлай мавжуд вазиятга ва бизнес ҳисобот стандартлари, меъёрий талаблар нуктаи назаридан жавоб бериши керак бўлган мувофиқлик талабларига боғлиқ ҳисобланади.

Билвосита пул оқими усулининг машхурлиги одатда пул оқимларини прогноз қилишни аниқлигини таъминлайди, шунинг учун бевосита пул оқимга нисбатан машхур ҳисобланади. Пул оқимларини таҳлил қилишнинг бевосита ва билвосита усуллари мавжуд. Бевосита пул оқимлари таҳлили усулида акциядорлик жамиятлари пул маблағларини бизнесга пул киритиш орқали шаклланган пул маблағларини ижобий ва салбий бўлган маълумотини кўриб чиқишдан иборат. Мазкур усулда акциядорлик жамиятига капиталнинг кириши ва чиқиши билан боғлиқ бўлган пул оқимини кўрсатади. Шунингдек, жамиятнинг иктисодий фаолият бўйича нақд пуллари гуруҳланади. Натижада, ҳисобот даври учун соф пул оқимларини кўрсатадиган маълумотлар шаклланади.

Умуман олганда, пул оқимларини бевосита таҳлил қилиш усули пул оқимларининг кирими ва чиқимини аниқлашга, шунингдек, жорий мажбуриятларни тўлашга етарли маблағ мавдужлиги ва инвестиция қилиш учун қўшимча маблағ мавжудлик имкониятини баҳолаш имконини беради. Жамият фаолиятини ижобий бўлишига соф пул оқими шарт эмас. Бироқ инвестиция фаолияти салбий пул оқим билан характерланади, сабаби узоқ муддатли активларга йирик инвестициялар жалб қилиниши ва акциядорлик жамияти ишлаб чиқаришининг кенгайишини кўрсатади. Аммо акциядорлик жамиятларининг жорий ва молиявий пул оқимлари ижобий бўлиши лозим. Ўз навбатида, жамиятнинг фаолияти ижобийлигидан, шунингдек, жамият ўз фаолиятини янада ривожлантиришидан далолат беради. Жумладан, акциядорлик жамиятларининг соф пул оқимларини бевосита усул орқали баҳолаш учун жамият пул оқимларининг самарадорлигини ҳисоблаш лозим.

1-жадвал

Бевосита ва билвосита пул оқимлари усулини таққослаш [5]

Бевосита пул оқими усули	Билвосита пул оқими усули
Бевосита пул оқимлари усули пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш учун фақат нақд пул операциялари, хусусан сарфланган пул маблағлари ва пул тушумларидан фойдаланади	Билвосита усул одатда соф даромадни асос сифатида ишлатади, активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришларни кўшади ёки айиради, кейин эса нақд пулсиз харажатлар кўшилади
Соф даромадда нақд пул ва нақд бўлмаган пул эквиваленти инобатга олинади	Соф даромад автоматик равишда пул оқимига айланади
Бевосита пул оқимлари усули ҳамма омилларни ҳисобга олмайдиган хусусиятга эга. Хусусан, нақдсиз пул операциялар қай даражада таъсирини ва амортизация харажатларини ҳисобга олмайди	Билвосита усул гипотезалардан фойдаланади ва операцион фаолиятдаги пул оқимларни ҳисоблашда ҳамма омилларни ҳисобга олади
Бевосита пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот жуда аниқ бўлади, чунки ҳисоботга тузатишлар киритилмайди ва шу боисдан, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш учун камроқ вақт талаб этилади	Билвосита пул оқимлари усулини тўғри деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки мазкур усул тузатишларни ҳисобга олади ва одатда пул оқимлар ҳисоботини тайёрлаш учун кўпроқ вақт талаб этади
Бевосита пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот бухгалтерлар орасида камроқ машхур ва ташкилотлар ҳамда корхоналар томонидан камроқ қўлланилади	Билвосита пул оқими тўғрисидаги ҳисобот бухгалтерлар орасида кўпроқ машхур бўлиб, ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўпроқ қўлланилади

Акциядорлик жамиятларининг эркин пул оқимини аниқлашда асосан соф инвестиция харажатлари, капиталга қилинган харажатлар, айланма капиталнинг ўзгариши ва амортизация харажатларини инобатга олган ҳолда ҳисоблаш амалга оширилса, жамиятнинг эркин пул оқимларини аниқлаш имконияти бўлади. Шунингдек, эркин пул оқимларининг ўсишига ва камайишига таъсир қилувчи омилларнинг энг асосийси соф инвестиция харажатлари, капитал қилинган харажатлар, айланма капитал ўзгаришини ва амортизация харажатлари ҳисобланади. Жумладан, акциядорлик жамиятининг эркин пул оқими жамият фаолиятининг кўрсаткичидир. Акциядорлик жамиятининг эркин пул оқими даромад шаклидаги барча пул тушумлари, оддий харажатлар кўринишидаги барча пул маблағлари ва бизнесни ривожлантириш учун соф реинвестиция қилинган барча пул маблағларини аниқлашга имкон беради.

Бизнинг фикримизча, акциядорлик жамиятларининг эркин пул оқимини аниқлашда асосан соф инвестиция харажатлари, капитал қилинган харажатлар, айланма капитални ўзгариши ва амортизация харажатларини инобатга олган ҳолда ҳисоблаш амалга оширилса, жамиятнинг эркин пул оқимларини аниқлаш имконияти бўлади.

Акциядорлик жамиятларининг эркин пул оқимлари айланма капиталдан қанчалик самарали фойдаланилишини кўрсатади. Айланма капиталнинг кўпайиши эвазига эркин пул оқимлари камайса, демак акциядорлик жамиятлари паст даромадли активларни сотиб олишга айланма капиталдан самарали фойдаланилмаётганлигидан далолат беради. Акциядорлик жамиятларининг эркин пул миқдори ва айланма капитал миқдори ҳам бир хил кўпайса, демак активлари доимий равишда ўсиб бораётганлиги ва пул оқимлари ўсиб бораётганлигини кўрстади. Шунинг учун айланма капитал ва эркин пул оқимларининг паралел ўсиши жамиятнинг пул оқимларини доимий равишда ўсиб боришига хизмат қилади.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони.
2. Ю. Бриггем, Джоэл А. Хьюстон «Финансовый менеджмент» СПб: Питер; 2013г.
3. Бланк, И.А. Финансовый менеджмент: учебн. курс. – 2-е изд. перераб. и доп. – К.: Эльга, Ника-Центр, 2005.
4. Р. Брейли, С. Майерс «Принципы корпоративных финансов» – М.: Олимп Бизнес; 2014
5. Муаллиф ишланмаси

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 4-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-4

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-4

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz